

Бунга ҳамоҳанг равишда, солиқ органларини қайта ташкил этиш, такрорий солиқларни бекор қилиш ёки бирлаштириш, солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, тадбиркорлар учун солиқ таътилини жорий этиш мақсадида солиқ ислохотлари ўтказилди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Президенти чет эллик ҳамкорларга уларнинг молиявий ресурслари ва мулкларининг дахлсизлигини, шахсий ҳимоясини кафолатлади. Бундай қафиллик хорижий сармоядорлар томонидан юқори баҳоланди, мамлакатимизнинг инвестицион жозибadorлиги ошди. Бу эса Ўзбекистонда инвестиция муҳитининг яхшиланишига, унинг сармоядорлар орасидаги мавқеига ижобий таъсир кўрсатди. 2019 йилда, яъни

дий ва солиқ соҳаларига оид бир қатор моддалари “декриминаллаштирилди”, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ноқонуний аралашувлардан ҳимоя қилишнинг жиноий-ҳуқуқий механизми яратилди. Бундан ташқари, жиноят қонунчилигини тубдан либераллаштириш амалга ошириш давом этмоқда, бу борада Президент топиширигига биноан Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларининг янги таҳрири ишлаб чиқилмоқда.

Халқ манфаатларига хизмат қилишдек эзгу ғоя асосида ички ишлар органлари тизими ислох қилинди, унинг асосий фаолияти фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилди.

Ислохотлар натижасида адлия орган-

Қабул қилинган чора-тадбирлар ёшларимизни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 28 фоизгача етказиш имконини берди. Илгари бу кўрсаткич 9 фоиздан ошмаган. Мамлакат ушбу кўрсаткич бўйича халқаро рейтингнинг энг паст қаторларини эгаллаган. Эндиликда минглаб ёшлар ўз Ватанида ўқиш ва ижтимоий пиллаояларга кўтарилиш имкониятига эга бўлишди.

Фуқаролик сектори билан бир қаторда, ҳарбий таълимга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони ташаббуси билан қисқа вақт ичида “Темурбеклар мактаби” ҳарбий академик лицейлар тармоғи шакллантирилди, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети таш-

Мамлакатда ҳудудий филиал ва бўлимлари бўлган шошилчн тиббий ёрдамниқ ягона тизими яратилди. Диагностика ва даволашда бир қатор инновацион техника ва ташкилий ишланмалар жорий этилди. Хусусан, мамлакатнинг барча ҳудудида Бола ёшидаги жараҳатлар бўлимлари ташкил этилиб, уларнинг ўлим даражаси 19 фоиздан 12 фоизга, ногиронлик эса 30 фоиздан 22 фоизга камайтирилди.

Хусусий тиббиётни қўллаб-қувватлаш бўйича тизимли чора-тадбирлар туфайли мазкур йўналишдаги муассасалар сони қарийб 6 мингга етди, 2020 йилнинг ўзида республикада 403 та янги хусусий тиббиёт муассасаси иш бошлади.

Бугунги кунда тиббиётни молиялаштириш борасида ислохотлар босқичма-бос-



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОХОТЛАРИ МЕЪМОРИ



“коронаинкироз”дан олдинги даврда Ўзбекистон хорижий инвестициялар оқими ўсишида етакчи давлатга айланди. Йил давомида ташқи инвестициялар ҳажми бир йўла 2,3 баробар ошиб, 4,2 миллиард долларни ташкил этди.

Шубҳасиз, Шавкат Мирзиёевнинг саяёҳаракатлари билан давлат ҳокимиятининг халққа бўлган муносабати тубдан ўзгарди.

Ўзбекистон Президентининг асосий янгилликларидан бири халқ билан кенг қўламли мулоқот жараёнининг бошланишида кузатилди. Президентнинг виртуал қабулхонаси аҳолининг муаммоларини ҳал қилишга қодир механизмга айланди, бунда мамлакатнинг барча фуқароси мувожаат қилиши мумкин бўлиб, Ўзбекистонда бундай институтнинг яратилиши ҳақиқий ютуқ бўлди. Фаолияти давомида Ўзбекистон Президентининг виртуал қабулхонасига 1 353 967 та мувожаат келиб тушди. Бу одамларнинг давлат раҳбарига ва янги институтга бўлган ишонч даражасини кўрсатди.

Президент томонидан илгари сурилган “халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” деган муҳим конституциявий таъминлини жорий этишга устувор аҳамият берилиб, фуқароларнинг давлат бошқарувидаги амалий иштирокини таъминлаш масаласи кун тартибига қўйилди, нодавлат нотижкорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари демократик ислохотларни амалга оширишда сезиларли ўсишни бошлади.

Бундан ташқари, Президент Администрацияси раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари иштирокида оммавий қабулларни ташкил этиш тизими шакллантирилди. Биргина ўтган 2020 йилда 19 мингдан зиёд сайёр қабуллар уюштирилиб, уларда 120 мингга яқин аҳолининг 124 мингдан ортик муаммоларини ҳал қилиш чоралари кўрилди.

Мамлакат раҳбарининг ташаббуси билан **коррупцияга қарши курашнинг** кенг қамровли тизими барпо этилди. Бу борада мамлакатимизда илк мартабада янги ҳуқуқий асос белгилаб берилди, яъни “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида” Қонун қабул қилинди. Бу соҳада ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш учун масъул коррупцияга қарши курашиш органи тузилди. Коррупцияга қарши механизмларни жорий этиш ва давлат органлари ишининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат идораларининг бюджетдан ташқари маблағларининг даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги, давлат иштирокидаги ташкилотларнинг харидларини, шунингдек, давлат субсидиялари ва грантлари тўғрисидаги маълумотларни эълон қилиш амалиётига ўтилди. Шундай қилиб, Президент давлат институтлари фаолиятининг максимал шаффофлигини таъминлаш сиёсатида қатъий риоя қилишини амалда намойён этди, бу эса уларни, аввало, жамоатчилик эътиборида бўлишга имкон беради.

Натижада мансабдор шахсларнинг қиёфаси ўзгарган, бундан буён улар ўз кабинетларида ўтирмайди, балки ижтимоий тармоқларда фаол мулоқот қилади, муаммолар ҳақида гапиришдан қўрқмайди, нафақат ўзбек ОАВ ва блогерларига, балки хорижий оммавий ахборот воситаларига интервью беради. Коррупцияга қарши курашишнинг юқорилаш тенденцияси “Transparency International” индексидега ўз аксини топди, яъни Ўзбекистон 2018 йилдаёқ бу борада сезиларли ижобий натижа кўрсатган 16 давлат рўйхатида киритилган.

Охириги беш йил давомида **сув-ҳуқуқ тизими ҳам тубдан қайта қуриб чиқилди**. Суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий суди, шунингдек, маъмурий судлар ташкил этилди. Жиноят кодексининг иқтисо-

ларининг адолатли судловни амалга оширишга қаратган эътибори сезиларли даражада ошди. Масалан, 2017 йилдан 2020 йилгача 2,5 мингдан зиёд фуқаролар оқланди, ҳолбуки, бундан беш йил олдин улар сони санокли эди. Агар илгари тадбиркорларнинг давлат органларига қарши иш юритиши бўйича қабул қилинган қарорларнинг тадбиркорлар фойдасига бўлганлари кам микдорни ташкил этган бўлса, бу борадаги бугунги статистика унинг аксини кўрсатмоқда. 2017 йилдан бери маъмурий суд ишларининг 70 фоизга яқини тадбиркор ва фуқаролар фойдасига ҳал этилган.

Бундай ислохотларга параллел равишда, **паспорт тизимида ҳам том маънодаги “инкилобий ўзгариш”**лар кузатилди. Президент ўз фармонлари билан фуқароларни олдидан махсус *рухсатнома стикерини* олиш мажбуриятидан озод қилди ва архаик институт бўлган *прописка* тартибини бекор қилди. Бу ислохот ишга жойлаштиш, ҳаракат чекланиши, кўчмас мулк сотиб олиш ҳуқуқининг йўқлиги, тиббий ёрдам олиш, пенсия ва кредит олиш, фарзандларни болалар боғчаси ва мактабларга жойлаштириш каби ўндан ортик комплекс муаммоларни бартараф этишга имкон берди.

Ислохотлар жараёнида **таълим соҳасидаги трансформацияларга** тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Билим ва таълим хизматлари сифатини яхшилашнинг стратегик аҳамиятини чуқур англаган ҳолда, Президент Шавкат Мирзиёев **“Билим бўлмаган жойда қоқоқлик, нодонлик ва албатта, тўғри йўлдан оғиш бўлади”**, деб таъкидлади. Шунга асосланиб, модернизациялар учун ката-

“Шавкат Мирзиёев Президентлик фаолиятининг дастлабки кунларидан бошлаб аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, спорт билан шугулланиш ҳамда уни оммалаштиришга алоҳида урғу қаратди ва Токиодаги ёзги Олимпиада ҳамда Паралимпиада баҳсларида юртимиз спортчиларининг қўлга киритган юксак натижалари бу борада танлаган йўлимиз нақадар тўғри эканлигини кўрсатди. Шуниси эътиборга лойиқки, сўнгги йилларда ёш болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш икки баробар ошиб, 60 фоизга етди ва болалар боғчалари сони уч баробар кўпайиб, 60 фоизга етди ва болалар боғчалари сони уч баробар кўпайиб, ҳозирги кунда 14 миндан зиёдни ташкил этмоқда.”

Ислохотлар деярли барча соҳани қамраб олди: қонун ҳужжатлари ва соғлиқни сақлашни молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, хусусий секторни ривожлантириш, тиббий ёрдам сифатини яхшилаш, мажбурий тиббий сўғурталаниш босқичма-босқич амалга ошириш, тиббиёт ходимларини тайёрлаш, қайта

Сўз эркинлиги соҳасида кўрилган чоралар халқаро ҳамжамият томонидан ижобий баҳоланди — 2019 йилда Ўзбекистон Матбуот эркинлиги индексида “қора зона”дан чиқарилди.

Ўзбекистоннинг **диний эркинлиги таъминлаш** борасидаги ижобий ўзгаришлари эътиборга лойиқдир.

Давлат раҳбарининг ташаббуси билан у ёки бу даражада экстремистик гуруҳларга алоқадор деб ҳисобланган 20 мингдан зиёд фуқаролар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг “махсус рўйхати”дан чиқарилди, бундай “рўйхатлар”ни юритиш амалиёти тугатилди. Бундан ташқари, биргина 2019 йилнинг ўзиде экстремизмда айбланган 472 киши афв этилган. Шунч таъкидлаш керакки, бу ҳаракатларга маҳаллий ва халқаро жамоатчилик томонидан ижобий муносабат билдирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерришнинг қаҳригини қўллаб-қувватлаган ҳолда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг ўз фуқароларини уруш зоналаридан ватанларига қайтариш тўғрисидаги резолюцияси мажбуриятларини қабул қилди. Оғир аҳволда қолган 530 дан ортик Ўзбекистон фуқаролари (ассосан, болалар ва аёллар) “Меҳр” гуманитар операцияси доирасида Сурия ва Йроқ ҳудудларидан Ватанига қайтарилиб, дунё оммаси учун ҳақиқий маънода ўрнак бўлди.

Қолаверса, “Визҳон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳрири диний ташкилотларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштирди, жамоат жойларида диний қийм қийиш тақикни истисно қилди ва диний таълим муассасасидан ташқарида диний таълим бериш ноқонуний деб эълон қилинди.

2017 йил 19 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон Президенти “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббуси билан чиқди ва 2018 йил декабрь ойда БМТга аъзо барча давлат-

лар бу ташаббусни қўллаб-қувватлади ва ушбу ҳужжатни қабул қилди.

Мамлакатдаги ички ўзгаришларнинг натижалари Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборига салмоқли таъсир кўрсатди. 2020 йил 13 октябрда Ўзбекистон тарихида биринчи марта уч йиллик муддатга, яъни 2021 — 2023 йилларга БМТ Инсон ҳуқуқлари кенгаши аъзоси этиб сайланди. Бу сайловларда Ўзбекистон энг кўп овоз олди — БМТга аъзо 193 давлатдан 169 таси мамлакатимизни ёқлаб овоз берди. 2005 йилдан бери биринчи марта АҚШ Халқаро диний эркинликлар бўйича комиссияси (USCIRF) Ўзбекистонни фуқароларнинг диний эркинликлари бузилган давлатлар рўйхатидан олиб ташлади.

Қисқа вақт ўтиб Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида дунё оммасини мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорликка чорлаган ҳолда, ўта муҳим тақдиф ва ташаббусларни илгари сурди. Хусусан, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини таъкидлаб, янги парламентимизда аёл депутатлар сони икки баробар кўпайганлигини эътироф этди.

Президент Шавкат Мирзиёев ҳокимият тепасига келган, мамлакат ташқи сиёсати тарихида янги давр бошланди, бунда асосий эътибор минтақа давлатлари билан яхши қўшнчилик алоқаларини ўрнаттишга қўшилди қиладиган прагматик ва очилиқ сиёсатига қаратилди.

Биринчи навбатда, республиканинг қўшни давлатлар — Қирғизистон ва Тожикистон билан алоқалари тубдан яхшиланди. Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини бир неча бор таъкидлаб, минтақанинг марказида бўлган республика унинг барқарор ривожланиши ва яхши қўшнчиликдан манфаатдор эканлигини эътироф этган.

Ташқи сиёсат ва ҳамкорлик соҳасида ўтган қисқа вақт ичида қўллаб масалалар бўйича муҳим қарорлар қабул қилинди. Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги битим имзоланди. Ўтган бир йил мобайнида Ўзбекистон ҳукумати Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистонга амалий ташрифлар уюштирди.

Албатта, Шавкат Мирмонович Мирзиёев шахсан Марказий Осиё давлатларини бирлаштиришда муҳим роль ўйнайди. У минтақавий муаммоларни конструктив ҳал этиш ва умумий фаровонлик майдонини яраттишнинг муҳим шарти сифатида кўп томонлама мулоқот ўрнаттиш учун ғоят муҳим ҳаракатларни амалга оширмоқда. Бу мамлакатларимиз қардош халқларининг асосий манфаатларига жавоб беради ва бугунги кунда Марказий Осиёнинг барча давлатларида ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Тожикистон раҳбари Эмомали Раҳмон Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда Ўзбекистон Президентининг ролини юксак эътироф этган ҳолда, шундай таъкидлайди: “Ўтплаган муаммолар шу қадар қисқа вақт ичида ҳал бўлишини тасаввур қила олармик? Ҳатто халқаро ташкилотлар ҳам бунга ишониймади. Бугунги кунда давлатларимиз ўртасида ҳал қилинмаган муаммолар йўқ, ўзаро ишонч муҳити ўрнатилди. Бу муносабатларнинг ташаббускори ва меъмори Шавкат Мирзиёевдир”.

Ўзбекистон раҳбари 2017 йилда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувини ишончли ва конструктив руҳда муҳокама этиш ва Марказий Осиё давлатларининг умумий муаммоларини биргаликда ҳал қилиш учун самарали платформа сифатида ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Марказий Осиё мамлакатларида саноат кооперацияси лойиҳаларини амалга ошириш бошланди, қўшма сармоявий компаниялар ва жамғармалар яратилмоқда, транспорт ва транзит соҳасидаги ўзаро алоқалар кенгайимокда, чегараларор савдо ва минтақалар ўртасидаги ҳамкорлик ривожланмоқда.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик, “халқ дипломатияси”, парламентлар соҳасидаги алоқалар сезиларли даражада ошди, натижада халқларимиз ўртасидаги дўстлик

ва яхши қўшнчилик мустаҳкамланмоқда, жаҳон ҳамжамиятининг мамлакатлар билан ҳамкорликка қизиқиши кучайимокда. Марказий Осиё минтақаси тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати аллақачон аниқ натижаларни бермоқда: 2016 йилдан 2019 йилгача Марказий Осиё давлатлари билан савдо ҳажми икки баробардан зиёд ошди, яъни 2,5 миллиард доллардан 5,2 миллиард долларгача кўтарилди.

Ташқи сиёсатнинг конструктив векторини Ўзбекистоннинг асосий савдо-иқтисодий шериклари йўналишида кузатиш мумкин. Фақатгина 2017 йилнинг мартидан ноябригача Россия Федерацияси, Қозоғистон, Хитой, АҚШ ва Жанубий Кореяга расмий ташрифлар чоғида умумий қиймати 53,6 миллиард долларлик келишувларга эришилганлини қайд этиш қийфоя.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг янги ҳарбий доктринаси (2018 й.) қабул қилинганлигини таъкидлаш муҳим, унга Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондонни Ўзбекистон ташқи сиёсатининг очилиқлигини, конструктивлигини ривожлантиришнинг устуворлигини тўлиқ намойиш этди. Энг яқин қўшнлар билан муносабатлар, шунингдек, мамлакат мудофаа сиёсатининг шаффофлиги, бошқа хорижий давлатлар билан хавфсизлик ва мудофаа соҳасидаги ҳарбий-сиёсий муносабатлар самарадорлигини ошириш устувор вазифага айланди.

Бу борадаги ислохотлар жараёнида Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти ҳамда миллий манфаатларимизни ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлган янги тузилма — Миллий гвардия ташкил этилиб, бугунги кунда тизимга масъулиятли вазифаларнинг ишониб топширилаётгани Президент томонидан билдирилган ишонч намунасирид.

Айтиш мумкинки, Шавкат Мирзиёевнинг фаол позицияси туфайли минтақада янги сиёсий муҳит вужудга келди, ўзаро ҳамкорлик жараёни барқарор, илгор ва энг муҳимини, қайтарилмас характерга эга бўлди.

Шавкат Мирзиёевнинг етакчилиги фазилатлари коронавирус пандемиясига қарши тадбирларни ташкил қилдишга ҳам намойён бўлди.

Президентнинг шахсий раҳбарлигида мамлакатнинг ижтимоий ва моддий ресурслари сафарбар қилинди. Қисқа вақт ичида учта карантин шифохонаси қурилди, 30 мингга яқин “қойқа кроват”лар яратилди. Биринчи навбатда, аҳоли саломатлигини сақлаш, вирус кенг тарқалишининг олдини олиш учун 200 мингдан ортик тиббиёт ходимлари ва 150 хорижий мутахассис жалб қилинди.

Пандемия туфайли қийинчиликлар дуч келган нафақат тадбиркорлар, балки оддий фуқаролар ҳам эътибордан четда қолмади. Уларга солиқ имтиёзлари, қарзларни кечиктириш ва 66 триллион сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди.

Кўп сонли ватандошларни қамраб олган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати доирасида 800 мингдан ортик кам таъминланган оилаларга 1 триллион сўмдан ортик моддий ёрдам кўрсатилди.

Қўрилан чоралар билан санитар-эпидемиологик вазият ишончли назоратга олинди ва асосийси инсон манфаатлари давлат учун устувор вазифа бўлиб қолаётгани эътибордан эътибори топи.

Умуман олганда, Шавкат Мирмонович Мирзиёев давридаги Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатида доир таҳлиллар шуни кўрсатадики, инсон, унинг манфаатлари ва фаровонлиги устувор вазифалар тизимининг ибтидоси бўлади. Бу давлат раҳбарининг барча ислохотларида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Айнан шунда республика раҳбарининг мамлакатни модернизация қилиш стратегиясининг ўзига хослиги, уни аҳоли ва хорижий ҳамкорлар орасида кенг қўллаб-қувватлаш намойён бўлади.

Барча соҳада шиддатли ва изчил ислохотлар илчмосини бўлган Шавкат Мирзиёев билан учрашган Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко бир гал “Шавкат Мирзиёев билан гаплашганимда, унинг истикболдаги янги стратегик режаларини, шиддатини кўриб қўриқ кетаман” деганида ҳақ эди.



Ҳеч шубҳа йўқки, янги Президентлик муддатига ишонч билдирилиши билан Шавкат Мирмонович Мирзиёев янги Ўзбекистоннинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ҳаётини тубдан янгиллашнинг концептуал йўналишини давом эттиради. Зеро, халқимиз ислохотлар меъморини ҳисобланган Шавкат Мирзиёевни Президентлик сайловида тўлиқ қўллаб-қувватлади ва биргаликда янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшашига ҳамда учинчи Ренессансни биргаликда қуришига ишонади!

Мирзоясуф РУСТАМБОВЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор.

СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР
ТОМОНИДАН
ПРЕЗИДЕНТЛИККА
КЎРСАТИЛГАН
НОМЗОДЛАРНИ
Қўллаб-қувватловчи
ИМЗО ВАРАҚАЛАРИ
ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

◀1 Сайловчиларнинг имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тadbбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда амалга оширилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Сайлов кодексининг 39-моддасига асосан, сиёсий партиялар тақдим этган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилганлиги Марказий сайлов комиссияси томонидан беш кунлик муддатда текширилади. Сайловчилар имзолари зарур сонининг камиди ўн беш фоизи ва имзо варақаларига имзоларини қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши лозим.

Текшириш учун сайловчиларнинг ҳар бир сиёсий партияни ёхуд Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб берилган имзолари бир хил миқдорда, ҳар бир маъмурий-худудий тузилмадан тенг нисбатда танлаб олинади.

ЭКСПЕРТ ГУРУҲИ
МАЪЛУМОТЛАРНИ
ТЕКШИРИШГА
КИРИШДИ

Сайлов кодексининг 39-моддасига бинаоан, сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган имзо варақаларининг тўғри тўлдирилгани Марказий сайлов комиссияси томонидан 5 кунлик муддатда текширилади. Бунда сайловчилар имзолари зарур сонининг камиди 15 фоизи ва имзо варақаларига имзоларини қўйган сайловчилар тўғрисидаги тегишли маълумотлар текширилиши керак бўлади.

Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси томонидан имзо варақалари тўғри тўлдирилганини текширувчи эксперт гуруҳлари тuzилиди.

Эксперт гуруҳи таркибига ички ишлар, адлия органларининг криминалист, хаттунос эксперт-мутахассислари, шунингдек, олий таълим муассасалари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари жалб этилди. Имзо варақаларини текширишда сиёсий партияларнинг ваколатли вакиллари қатнашмоқда.

Қайд этиш жоизки, эксперт гуруҳлари томонидан текшириш учун сайловчиларнинг ҳар бир Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб берилган имзолари бир хил миқдорда, ҳар бир маъмурий-худудий тузилмадан, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг нисбатда танлаб олинади.

Агар Марказий сайлов комиссияси томонидан танлаб олинган имзо варақаларининг чорак қисмидан кўпрогини текшириш натижасида имзо варақалари қонун бузилган ҳолда тузилганлиги аниқланса, мазкур имзо варақалари сиёсий партиянинг ваколатли вакилига қайтарилади ва унга камчиликларни бартараф этиш учун икки кунлик муддат берилади.

Агар қўллаб-қувватловчи шахсларнинг (сайловчиларнинг) имзолари сони белгиланган энг кам миқдордан яна оз бўлиб қикса, мазкур имзо варақалари тўлимига ҳақиқий эмас деб топилади. Мазкур ҳолда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партияга Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни рад этади.

Агарда сиёсий партия тақдим этган ҳужжатлар, шу жумладан, сайловчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаб берилган имзолари Сайлов кодекси талабларига мос келса, Марказий сайлов комиссияси навбатдаги йиғилишларида сиёсий партиялар томонидан қўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олиш масаласини кўриб чиқади.

«Халқ сўзи».

МАЪНАВИЯТ
МАСКАНИ ОЧИЛДИ

Қарши шаҳрида Мустиқлигимизнинг 30 йиллиги байрами муносабати билан Маънавият маскани биноси фойдаланишга топширилди.

◻ **Бунёдкорлик**

Мазкур мухташам бинонинг биринчи қаватида кутубхона, ошхона, анжуманлар зали ва бошқалар жойлашган.

Юқори қаватида Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон уюшмаси вилоят бўлими фаолият кўрсатади. Рахбар ва мутахассислар хоналари, мажлислар зали, кутубхона замонавий жиҳозлар, компьютерлар, китоблар жамламалари билан жиҳозланган.

Эътиборга молик жиҳат шуки, зал ва хоналар бўйлаб мумтоз musiқалар, ўзбек адабиёти намуналари ширали, лекин паст овозда таралиб туради. Эндиликда мазкур аудиофайллари маданият ва истироҳат боғига ҳам йўналтириш кўзда тутилган.

— Бундай кулайлик бизга куч ва илҳом бағишлайди, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Лола Саодатова. — Эндиликда «Маънавиятга йўл», «Бир зиёли — намунали ҳомиш», «Энг намунали муассаса», «Энг намунали ташкилот» танловларини ўтказиш, шунингдек, «Адабиётга саёҳат» лойиҳасини амалга ошириш, ижтимоий, бадий адабиётлар чоп этишни режалаштирганимиз.

Маънавият масканининг очилиш маросимида Қашқадарё вилояти ҳокими З. Мирзеев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Сенатор ва ҳаёт
АНДИЖОНДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ

Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Халқро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Равшанбек Алимов иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

Унда фуқаролар кундалик ҳаёт билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўрилди. Хусусан, мурожаатларнинг аксарияти мутасадди ташкилот ва идоралар иштирокида ҳал қилинди. Айримлари бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди, вақт талаб этиладиганлари эса назоратга олинди.

Масалан, Андижон шаҳридаги “Бунёдкор” МФИда яшовчи фуқаро Д. Рўзиева кредит тўловини тўлашга қийналаётганлиги боис моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган эди. Мазкур масала синчиқлаб ўрганилди ва унга “Саховат ва кўмак” жамғармаси томонидан моддий ёрдам берилди.

Андижон шаҳрилик З. Болтабоев эса бузилган уйи ўрнига берилиши лозим бўлган кўп қаватли уй қурилиши тўхтаб қолгани, қурувчи эса ижара ҳақини тўлаб бермаётганини таз-

ҲУДУД БОШ РЕЖАСИ
ҚАЧОН ТАСДИҚЛАНАДИ?

Аввалроқ Тошкент шаҳар, Мирзо Улукбек тумани, Ўқитувчилар қўчасида жойлашган турархोज бинолари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиниши муносабати билан у ерда яшовчи аҳоли Тошкент вилояти, Қўбрай тумани, Дўрмон қишлоғига қўчирилгани, фуқароларга ажратилган ҳудудда инфратузилма, газ, электр энергияси, сув, канализация тармоқлари учун етарлича шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги юзасидан Олий Мажлис Сенати ўрганиш олиб бораётгани хусусида хабар берган эдик.

Кеча Қўбрай тумани ҳокимлигида Сенатнинг Мудоффа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Кўтбиддин Бурҳонов, Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раиси Малика Қодирхорова ҳамда мутасаддилар иштирокида ушбу масала муҳокама қилинди. Шу масала юзасидан тегишли масъулларнинг фикрлари тингланди.

Муҳокама давомида Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 4 сентябрдаги қарори ижросини таъминлаш юзасидан фуқаролар Тошкент вилояти ҳамда Қўбрай тумани ҳокимлигига бир неча марта мурожаат қилганлиги, аммо вилоят ҳокимлиги томонидан фуқароларга ажратилган ҳудуд учун бош режа ҳали-ҳамон тасдиқланмагани маълум бўлди.

Мутасаддилар фуқароларга берилган ернинг бош режасини 10 кун ичида ишлаб чиққан ҳолда, тегишли вазирлик ва идораларга юборишини маълум қилди.

Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Маҳмуджон Партиеv Наманган вилоятига хизмат сафари давомида парламент юқори палатасига мурожаат қилган аҳоли вакиллари билан учрашди ва улар томонидан кўтарилган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилди.

Мисол учун Наманган шаҳрида яшовчи А. Усмонов “Микрокредитбанк” шаҳар бўлимига тadbбиркорлики йўлга қўйиш юзасидан мурожаат қилди, аммо орадан тўрт ой ўтишига қарамай масала ечилмаган. Унинг мурожаати сенатор ва масъуллар томонидан ўрганиб чиқилиб, сўралган маблагнинг 60 миллион сўми банк томонидан тadbбиркор ҳисобига ўтказиб берилди.

Чортоқ туманидаги Боғ маҳалласида яшовчи Р. Раҳмонова ўн уч ёшли қизи Одинахоннинг соғлиғи ёмонлашгани, уни пойтахтдаги ихтисослаштирилган нейрхирургия илмий-амалий марказида даволаш бўйича сенаторга шахсан мурожаат қилди. Тезкорлик билан кўрилган чоралар туфайли ушбу масала ижобий ҳал этилди, яъни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси орқали зарур йўлланма олиниб, бемор онаси билан бирга Тошкентга кузатиб қўйилди.

«Халқ сўзи».

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИ
ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАН ДАДИЛ ОДИМЛАЯПТИ

Охирги йилларда юртимизда бошқа соҳаларда бўлгани сингари қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам катта натижалар қўлга киритилди. Бу, аввало, қўрилган изчил чоратadbбирлар ва қилинган тинимсиз меҳнат самарасидир.

◻ **Фикр**

Бунинг учун дастлаб соҳанинг бозор муносабатлари принципларига таянган норматив-ҳуқуқий асослари яратилганлигини таъкидлаш зарур. Ер кодекси, “Дехқон хўжалиги тўғрисида”ги, “Томорқа хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар ҳамда Президентнинг “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний мафзаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тўбдан такомиллаштириш чора-тadbбирлари тўғрисида”ги ва “Ер муносабатларида тенглик ва шафқатлиқни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тadbбирлари тўғрисида”ги фармонлари ана шулар жумласидандир.

Мазкур ҳужжатлар қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш тизимини тартибга солиш ва унинг механизмиларини такомиллаштириш, нафақат аграр соҳани барқарор ривожлантириш, балки маҳсулотлар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатдошлигини ошириш ҳамда юртимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш борасида дастуриламал бўлмоқда. Натижада қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш тизими жорий этилди. Фермер хўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият қаратилиб, уларнинг қарийб ярмида кўп тармоқли фаолият йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги тармоқларида қўшимча қўймат занжирини яратиш мақсадида кластерлар ташкил этилди. Пировардида етиштирилган маҳсулот қайта ишланган, экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошди. Қўллаб иш янги ўринлари яратилди. Мухими,

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда барқарор ўсиш таъминланди.

Шу ўринда пахта ва галла майдонларини қисқартириш эвазига бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга катта эътибор қаратилаётганлигини айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунга келиб, ҳосилдорлиги паст қўллаб майдонларидан сабзавот маҳсулотлари етиштириб келинмоқда. Шунингдек, интенсив боғ ва янги тоқзорлар, иссиқхоналар барпо этилди.

Ипакчиликни ривожлантиришга инновацион ёндашув натижасида мамлакатимизда пилладан йилгига 3-4 марта ҳосил олинаётгани соҳада қўлга қиритган яна бир улкан ютуғимиз бўлди. Чорвачилик тармоғини ривожлантириш дастурлари доирасида балик, асал етиштирилмаган, парранда, эчки ва қорамол боқиладиган қўллаб хўжаликлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу борада Испания, Польша, Нидерландия, Россия, Хитой, Жанубий Корея, Туркия, Вьетнам каби давлатларнинг илгор тажрибалари кўп келди.

Минтақамизнинг сув ресурси чекланганидан келиб чиқиб, сувни тежайдиган технологияларни жорий этишга қаратилган тadbбирлар қўллаб-қувватланиб, бу борада қўшимча имтиёз ва преференциялар яратиб берилаётгани ҳам эътиборга молик ишлардандир. Натижада ҳозиргача 300 минг гектардан ортиқ майдонларда шундай технологиялар, жумладан, томчилатиб, ёмғирлатиб ва дискрет сугориш технологиялари йўлга қўйилди.

Маълумки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги тармоғининг барқарор ривож кўп жиҳатдан инновацион фаолият самарадорлигига боғлиқ. Зеро, инновацияларни ўзлаштириш ҳисобига қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш базаси технологик, техник ва ташкилий-иқтисодий жиҳатдан янгиланади ва бу, ўз навбатида, мамлакатимизнинг жаҳон бозорига интеграциясини кўнайтиради.

ҲАҚИҚИЙ ИБРАТ НАМУНАСИ

◀1 Ўз даврида Ўзбекистон мелiorация ва сув хўжалиги вазирли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Боз вазирнинг биринчи ўринбосари, Президентнинг давлат маслаҳатчиси лавозимларида самарали ишлади. Айниқса, мустақилликнинг ilk йилларида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари сифатида мамлакатни иқтимоий-иқтисодий ривожлантиришдаги долзарб муаммолар ва масалаларни ҳал этишда ҳар томонлама фаоллик кўрсатди.

Исмоил Ҳакимовичга турли даврларда республикаимизи бошқарган раҳбарлар билан бирга ишлаш бахти насиб этди. Усмон Юсупов босиб ўтган йўллардан юрди, Шароф Рашидовнинг назарига тушди, мустақилликнинг ilk йилларида кечган оғир даврларда Исмоил Каримов билан елкама-елка ишлади. Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари этиб сайланганидан сўнг “яшариб”, фидойилик билан яна қизгин меҳнат жараёнига киришиб кетди. Армонлари, йиллар давомида юрагининг тубида асраб келаётган орзу-ниятлари охириги беш йил ичида ушалди, десам муболага эмас.

Айнан у кишининг сайй-ҳаракатлари ва давлатимиз раҳбарининг қўллаб-қувватлови билан 2018 йилда Сув хўжалиги вазирлиғи ангидан ташкил этилди. Вазир маслаҳатчиси сифатида Исмоил Ҳакимовичнинг ташаббуси билан қисқа вақт ичида сув хўжалиги ҳодимлари маълақасини оширишнинг бутунлай янги тизими яратилди. Вилотлар сув хўжалиги бошқармаси бошлиғидан тортиб, туман ирригация бўлими, насос станциялари бошқармаси раҳбарлари, сув тежовчи технологиялар бўйича мутахассисларгача ҳар йили вегетация мавсуми якунлаганидан сўнг ўқитилмоқда, маълака оширмоқда.

Шахсан ўзи вилоятлардаги йирик сув объектларини бирма-бир кўздан кечириб, камчиликларни бартараф этиш, ишларни такомиллаштириш юзасидан фикрмулоҳазаларини билдирди. Натижада сув хўжалиги соҳасида янгица илмий ёндашувларни қўллашни кенгайтириш, маълакали кадрлар тайёрлаш бўйича Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини меҳанизациялаш муҳандислари институти билан ҳамкорлик мустаҳкамланди.

Умрни оқар дарёга менгзайдилар. Айнан Исмоил Ҳакимовичнинг умр йўлини оқар сувга ўхшатиш келади. Сув ўз оқими бўйлаб борар экан, ҳар бир манзилга яшиллик, ободлик бағишлайди. Қакраб ётган ерлар ҳам сув бир югуриди ўтганидан сўнг кўркамликка бурканади, сўлиб, ҳолсизланиб қолган ҳайвонот ва наботот олами айнан сувдан куч олади, сув билан қаддини кўтарди.

Исмоил Ҳакимовичнинг умр йўли худди оқар сувдек ўшқин кечди. Баъзи манзиллардан шиддат билан ўтди, улардан ёрқин эш, эзгу амаллар қолди. Ҳаётнинг тинч, сокин босиб ўтилган манзиллари ҳам бўлди. Сувнинг йўлини ҳеч нарса, ҳеч ким тўса олмаганидек, яна тўлиб оқди, умр дарёсининг олдинги ўзанига тушиб олди.

Улкан заковат ва салоҳият эгаси, истеъдодли раҳбар ва мохир ташкилотчи, давлат ҳамда жамоат арбоби Исмоил Ҳакимович қўллаб муқофотлар билан тақдирланган. 1981 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган

ган ирригатор” фахрий унвони, 1992 йилда “Меҳнат шuhrати” ордени, 1994 йилда “Эл-юрт хурмати” ордени, 1996 йилда “Буюк хизматлари учун” ордени, 1998 йилда “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи” фахрий унвони, 2007 йилда “Дўстлик” ордени билан муқофотланган. 2021 йилда “Фидокорона хизматлари учун” ордени ҳамда “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишони билан муқофотланди.

Моҳир сиёсатчи Исмоил Ҳакимович Марказий Осиё давлатлари билан иқтисодий-иқтимоий ҳамкорлиқни, қўшни халқлар билан дўстона алоқаларни тиклашга бекиёш ҳисса қўшди. Хусусан, ўтган асрнинг 90-йилларида Тожикистон Республикасида юзага келган фуқаролар уруши даврида қийинчиликларни бошдан кечиравётган қардош тожик халқига инсонпарварлик ёрдамларини кўрсатиш, уларни озиқ-овқат билан таъминлашда у кишининг меҳнатларини тожик биродарларимиз ҳамон миннатдорлик билан эслайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси ва бевосита сайй-ҳаракатлари натижасида қўшни давлатлар билан дўстона муносабатлар тикланди. Йиллар давомида узилиб қолган ришталар яна қарор топди. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йилда Тожикистонга ilk давлат ташрифидан сўнг бир гуруҳ ҳукумат аъзолари ва фаоллар қўшни республиканинг юксак муқофотлари билан тақдирланди. Улар қаторида Исмоил Жўрабеков Тожикистон Республикасининг “Дўстлик” орденига муносиб қўрилди.

Исмоил Ҳакимович билан дилдан суҳбатлашсангиз, қайтадан эътибор ва қадр

ИСЛОМИЙ БАНКЛАР
ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Ислом тараққиёт банки гуруҳи 1973 йилда ташкил топган. Бугунги кунда банкка 57 та давлат аъзо бўлиб, устав жамғармаси 150 миллиард долларга тенг. Ўзбекистон 2003 йилда ушбу банк аъзолигига қабул қилинган. Ҳозирги кунга қадар Ўзбекистоннинг жами 2,5 миллиард доллардан ортиқ бўлган 30 та йирик инвестиция лойиҳаси банк гуруҳи томонидан маъқулланган.

◻ **Акс садо**

Пойтахтимизда бўлиб ўтган Ислом тараққиёт банки бошқарувчилар кенгашининг 46-йиллик йиғилишида мазкур халқро ташкилот гуруҳига қирувчи мамлакатлардан вазирлар, халқро ташкилотлар раҳбарлари, шунингдек, 2 мингдан ортиқ йирик бизнес вакиллари, экспертлар қатнашди.

Агар бу халқро молия ташкилоти, унинг ташкил этилиши ҳақида тўхтайдиган бўлсак, бу ҳам давр тақозоси, ислом анъаналарига содиқ қолган ҳолда сармоядорлар маблагидан биргаликда фойдаланиши, шерикликда фойда олиш имкониятини бериши билан аҳамиятлidir. Шу маънода, ИТБ 1973 йилнинг 18 декабрь куни Ислом ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари молия вазирлари йиғилишининг қарорига кўра таъсис этилиб, 1975 йил октябрь ойида ўз фаолиятини бошлаган.

Албатта, ислом дини анъаналари асосида фаолият олиб боровчи банкнинг йиллик йиғилиши бизнинг юртимизда бўлиб ўтгани халқимизда, тadbбиркорларимизда, шахсий жамғарма эгаларида мавжуд сармоялардан ислом ақидаларига содиқ қолган ҳолда фойдаланиш, ундан фойда олиш имконини яратиши билан ҳам катта қизиқиш уйотиши табиий.

Халқро анжуманга давлатимиз раҳбарининг ташрифи унинг нуфузини янада оширди, десак, муволафа бўлмайди. Чунки ушбу конференциянинг Тошкентда ўтказилиши ўзига ҳоз раъсий маънога эга. Бунчи Ўзбекистоннинг ислом дунёси ривожига қўшган ҳиссаси, шунингдек, мамлакатда охириги беш йилда олиб борилаётган изчил ислохотларнинг эътирофи, десак, тўғри бўлади.

Анжуманда Президентимиз бугунги кунда дунё мамлакатлари иқлим ўзгариши, йирик миграцион жараёнлар, табиий ресурслар ва озиқ-овқат етишмовчилиги каби синовларга дуч келаётганини таъкидлаб, банк фаолиятини такомиллаштириш бўйича қатор тақлифларни билдирди. Жумладан, “Ғарбий Африкадан Шарқий Осиёгача — яшил коридор” номли савдо-иқтисодий маконни шакллантириш концепциясини ишлаб чиқиш тақлифи илгари сурилдики, унинг амалга оширилиши ўзаро савдо ва сармоявий алоқалар кенгайишига, мамлакатларнинг иқтисодий жиҳатдан бирлашиши ва барқарор ўсишига хизмат қилади.

Ислом тараққиёт банки ва Саудия Арабистони Подшоҳлиги ҳукуматининг кўмаги билан мазкур анжуман доирасида Ўзбекистоннинг камбағалликни қисқартириш ва тadbбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилган сайй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайдиган янги лойиҳа — Иқтисодий имкониятларни кенгайтириш жамғармасини ташкил этиш бўйича келишув имзоланган. Капитали 500 миллион долларга етказилиши кўзда тутилган мазкур жамғарма ёшларимиз, аёлларимиз ва қишлоқ аҳолисини тadbбиркорликка жалб қилишда катта туртки бўлади.

Анжуманда Ўзбекистон билан кўп қиррали шерикликни кенгайтириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратилиб, 2022 — 2025 йилларга мўлжалланган янги ҳамкорлик дастурини тез фурсатда қабул қилган ҳолда амалга ошириш ва Тошкент шаҳрида ИТБнинг тўлақонли ваколатхонасини янги туширишга келишилди.

Ишончим комилки, исломий анъаналар асосида фаолият олиб боровчи мазкур халқро молия ташкилотининг Ўзбекистонда ваколатхонаси очилиши ёки келгусида юртимизда исломий банклар ҳам фаолият бошлаши ислом оламига энг кўп буюк олимлар етказиб берган Ўзбекистон халқи фаровонлиги учун хизмат қилади.

Абдигани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.



Исмоил Ҳакимович турмуш ўртоғи раҳматли Сура ая билан бахтли ҳаёт кечирди. Уларнинг бир-бирларига бўлган муносабатига ҳамма ҳавас қилади. Уз ўғилни жамиятимизга муносиб хизмат қилаётган инсонлар этиб вояга етказилган. Ўқитиб, уйли-жоили қилишди. 8 нафар неварга, 10 нафар чевара кўрдилар.

Шавкат ХАМРАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирли, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ҒОЛИБЛИК ТУЙҒУСИ БАЛҚИГАН ЧОҒЛАР...



Байрам устига байрам бўлиб кетди — ҳамма бир-бирини табриклаган, суюнчи олган. Сарҳисоб жадвалида жаҳоннинг манаман деган, ҳарбий салоҳияти билан дунёда шухрат қозонган давлатларидан юқорида жой олдиқ. Қувонарлиси, мусобақалар мобайнида жамоалар томонидан жами 37 та рекорд натижа қайд этилган бўлса, шундан 10 таси Ўзбекистон ҳисобига ёзилди. Қиёслаш учун маълумот: Хитой жамоалари беллашуларда 6 та рекордни янгилади.

Мусобақалар нияҳтада жиддий рақобат руҳида ўтгани интернетдаги хабарлар-у, иштирокчиларнинг ҳикоясидан ҳам аён бўлди. Ўзбекистон ҳарбийлари “Содиқ дўст” (эркаклар), “Содиқ дўст” (аёллар), “Ҳарбий-тиббий эстафета”, “Дала ошхонаси” йўналишларида — олтин, “Элбурс ҳалқаси”, “Мерганлар марраси”, “Отлиқ марафон”, “Қуролсоз уста”, “Хавфсиз муҳит”, “Муҳандис формуласи”, “Хавфсиз маршрут”, “Кутб юлдузи”, “Қушинлар разведка аялчиси” мусобақаларида — қумуш, “Автозирхли танк техника устаси”, “Ишончли қабул”, “Йўл патрули”, “Саян юриши” беллашулариди бронза медалларига соҳиб чиқилар.

Бир ёндан, қўлга киритилган медалларнинг салмоғи дилимизни яйратса, иккинчи томондан, беллашуларга қўйилган номларнинг шоирона жилваси кишига завқ бағишлайди. “Содиқ дўст”, “Элбурс ҳалқаси”, “Кутб юлдузи”, “Дала ошхонаси”, “Қуролсоз уста”... Мусобақа моҳиятидан беҳабар киши бу номларни эшитаркан, бирор шеър ёки ҳикоянинг сарлавҳасимикан, деб ўйлаши табиий. Гўё бу номларни шоирлар топиб қўйган-у, халқаро адабиёт беллашуви бўлгандай.

Ғолиб ҳарбийларимизни “Тошкент” халқаро аэропортида кутиб оларганимиз, қалбимиз шавқ ва ҳаяжонга тўла эди. Мудофаа вазирлиғи масъуллари, ҳарбий хизматчилар, нурунийлар, кенг жамоатчилик вакиллари халқ қаҳрамонларини муносиб кутиб олиш, “Баракалла!” деб уларнинг елкаларига қоқиб, алқаш учун ҳам бўлгандилар. Айниқса, мусобақада қатнашган ҳарбийлар оила аъзоларининг кўзларидидаги қувонч гурур ҳисларини кўриш мароқли эди.

Аэропорт эшигидан чиқиб кела бошлаган ҳарбийларга қараб “Дада!” деб ҳайкирган болакайни кўриб тўпланганлар завқланиб кулиб қўйишди: “Отаўғил дадасини соғинибди-да!” Албатта, бундай соғинч ҳисси фақат болалар эмас, мард турмуш ўрқоларини кутиб олишга чиққан опа-сингилларимизнинг ҳаё пардаси беэзган нигоҳларида ҳам зоҳир эди.

Ғолиблар саф бўлиб, ғалаба ҳақида рапорт беришди. Мудофаа вазирлиғи масъуллари, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши аъзолари, фахрийлар музаффар ўғлонлар елкасига тўз ёпиб, белларини гайрат белбоғи билан маҳкам боғладилар. Уларга меҳр билан тикиларкан, фахрийлардан бири: “Халқимизнинг қонида ғолиблик туйғуси бор-да. Бугун ана шу юзага чиқипти”, деб қолди. “Ҳақ гап, — деди бошқа фахрий, — бугун мамлакатимизда Президентимиз томонидан Қуролли Қучлар тизимига берилаётган юксак эътибор сиз айтган ғолиблик туйғусини ўйғотишга сабаб бўлмоқда”. Мамнун чехраларда ушбу фикрнинг тасдиғи яққол намён ёди...

Тантанали тадбирда сўзга чиққанлар юртимизнинг ғолиб ўғлонларига дил изҳорларини билдирдилар. Тўғбалар, гулдасталар ўз эгаларини топди. Бундай ҳаяжонли лаҳзаларда ижодкорлар илҳом оғушига чўмади. Уларнинг қалбидидаги самимият, меҳр, ифтихор туйғулари, тилга қўйган ва кўчмаган ҳиссиётлар шеърга айланади...

СОДИҚ ДЎСТ

*Аждодларим адолат тоғи учун жанг қилган,
Қабоҳатга қайишган ёғи ҳолин танг қилган,
Гоҳ қон, гоҳо тер тўкиб, тенги йўқ Ватан қилган,
Боболарга муносиб арслонорак аскарсиз,
Жондан кечиб бўлса ҳам, юрт номусин асрарсиз.*

Содиқ дўстсиз —

*Ҳақ ва халқ қошида сўз берганим,
Қутб юлдузини қўлданга бургутқўли мерганим,
Тиш қайраса — пушмонлик қирмочини ер ганим,
Боболарга муносиб арслонорак аскарсиз,
Жондан кечиб бўлса ҳам, юрт номусин асрарсиз.*

*Тинчлик чоғи, не бахт, жанг — беллашув, ўйин бўлмай,
Ҳарбий пойғадга зафар ягона ўйинг бўлмай,
Хавфсиз муҳит яратсанг — ғолиблик тўйинг бўлмай,
Боболарга муносиб арслонорак аскарсиз,
Жондан кечиб бўлса ҳам, юрт номусин асрарсиз.*

*Қон эмас, ишқ атрини таратай гўл ҳамшира,
Дала ошхонасида сузимлайди гам сира,
Хатарсиз йўл очгайсиз — тўғзимас эл хавфсираб,
Боболарга муносиб арслонорак аскарсиз,
Жондан кечиб бўлса ҳам, юрт номусин асрарсиз.*

*Маррага илк келгайсиз, отлиқми ё пийёда,
Олтин, қумуш нишонлар илқинида зийёда.
Ҳеч ким мағлуб бўлмағай — тинчлик бўлса дунёда...
Боболарга муносиб арслонорак аскарсиз,
Жондан кечиб бўлса ҳам, юрт номусин асрарсиз.*

**НОДИР ЖОНУЗОҚ,
Мудофаа вазирлиги
ҳузуридаги
Жамоатчилик
кенгаши аъзоси,
шоир.**



ЖАҲОН ТАЪЛИМ МАЙДОНИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ЯНГИ ТИЗИМ

Таълим тизимини ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига қўтарган мамлакатларда, албатта, ўсиш тенденцияси кузатилади. Шу маънода, юртимизда ҳам ёшларнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда замонавий билим ва касб-хунарларни эгаллаши, жисмоний ҳамда маънавий жиҳатдан етук инсонлар бўлиб камол топишини таъминлаш, уларнинг қобилият ва истеъдоди, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, она-юртимизга садоқат ҳамда фидойилик туйғуларини шакллантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Мушоҳада

Бунда давлатимиз раҳбарининг олий таълим тизимини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган қатор қарорлари ҳамда ушбу йўналишни тубдан такомиллаштиришга оид алоҳида дастурлар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилляпти.

Тахлил қиладиган бўлсак, қандай соҳада бўлмасин, юқори билимга эга мутахассислар илмий тадқиқот ишланмалар билан шуғулланиш, янги мақсулот турлари ҳамда инновацияларни яратиш, технологияларни ривожлантириш имкониятига эга бўлади.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари ва компаниялар ўртасидида мавжуд чуқур рақобат муҳити мутахассисларни ҳам фақуллода шунга тайёр бўлишларини талаб этади. Улар нафақат ўз ғояларини ривожлантириш ва яратилган назарий моделларини амалда жорий этиш учун қўлай шароитларни таъминлайди, шу билан бирга, иқтисодийнинг инновацион ривожланиши учун ҳам муҳим интеллектуал омил ҳисобланади.

2007 — 2011 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш тизими янада такомиллаштирилди. Илм-фан ва ишлаб чиқариш йўналиши уйғунлашди.

Бугунги кунда жаҳонда юқори технологиялар ва ахборотлаштириш жараёнларини ривожланиши дарида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш учун компаниялар ўртасида рақобат кураши бирмунча ошди. Бу нафақат тижорат ташкилотларига, балки илмий-тадқиқот марказлари, таълим муассасаларига ҳам тегишли.

Замонавий таълим сифати тўғрисидаги масала биринчи навбатда ҳал қилиниши керак бўлган муаммолардан бири бўлиб қолаверади. Зеро, мамлакатда мавжуд олий таълим муассасалари келгусида мутахассисларнинг аниқ касбий соҳадаги билимларини шакллантиради.

Олий таълим муассасалари мамлакатнинг ҳар жиҳатдан ривожланишига хизмат қилади. Интеллектуал ресурсларнинг юксак даражасига асосланувчи замонавий технологияларнинг тараққий этиш даражаси ва ушбу ресурсларга эгаллик қилишни истаган давлатларнинг рақобати бугунги кунда нафақат иқтисодий томондан, балки иқтисодий ва сиёсий юксалишнинг асосий омилли бўлиб хизмат қилмоқда.

АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларидаги энг юқори рейтингга эга бўлган олий таълим муассасаларини қараб чиқадиган бўлсак, уларнинг барчаси ривожланган давлатлар ҳудудида жойлашган ва таъкидлаш лозимки, улар ўз мамлакатларининг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини янада мустаҳкамляпти.

Замонавий глобаллашув шароитида олий таълим муассасаларида таълим тизимининг шаклланиши ҳамда ривожланиши янги инновацион шароитларга ва иқтисодий талабларига мувофиқлигини таъминлашга барча таълим муассасалари амалда ҳаракат қилмоқда.

Таъсир этадиган омиллар нималардан иборат?

Олий таълим муассасаларига таъсир этадиган омиллар: биринчидан, ташкилот ва корхоналар, давлат муассасалари томонидан битирувчи мутахассисларга бўлган талаб шаклланиши, иккинчи томондан, абирументларнинг олий таълим муассасаларига кириши учун шарт-шароитлар шаклланиши.

Шунга қўра, ўз навбатида, таълим муассасалари касбий соҳада зарурий тайёрларига эга битирувчиларни иш билан таъминлаш бўйича меҳнат бозорига ва истеъмолчиларга таъсир кўрсатади ва бунга боғлиқ равишда рақобатбардор мутахассисларга ҳам талаб доимо ўсиб боради.

Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш қуйидаги мақсадларга эришишни назарда тутаяди:

— олий таълим муассасаларида мутахассисларни тайёрлаш сифати ва самарадорлигини ошириш;

— фан, таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш;

— инновацион фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган инфратузилмани яратиш;

— юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий усулларини жорий этиш асосида инновацион ғояларини ишлаб чиқиш;


— профессор-ўқитувчиларнинг касбий даражаси ва малакасини доимий равишда ошириб бориш;

— таълим муассасаларида инновацион фаолиятни молиялаштириш механизмиди самарали ташкил этиш;

— инновацион фаолият билан боғлиқ ахборот базасининг етарлиги ва шаф-фоллигига эришиш;

— инновациялардан фойдаланиш асосида таълим жараёнини узлуксиз такомиллаштириш бориш;

— касбий масалаларни ечишга талабларни ижодий ёндашадиган ва масъулиятли қилиб тарбиялаш кабилар.



Мухаббат ҲАКИМОВА,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг Инновацион таълим кафедраси муdiri, педагогика фанлари доктори, профессор.

Умуман, мамлакатимизда жаҳон таълим майдонида киришга йўналтирилган янги таълим тизими қатор топмоқда. Бу жараён билан бир вақтда педагогик ўқув-тарбия жараёнининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўляпти. Таълимдаги ёндашувлар таркиби ўзгармоқда ва бошқача муносабатлар, педагогик менталитетлар ўрнатилляпти.

Демак, таълим тизими ақин келажақда бундан-да тараққий этиб, ривожланган давлатлар таълим тизими билан тенглашади. Бугунги ислохотлардан қўзланган мақсадлар ҳам шундан иборатдир.

Мухаббат ҲАКИМОВА,
Тошкент давлат иқтисодий университетининг Инновацион таълим кафедраси муdiri, педагогика фанлари доктори, профессор.

ОСОЙИШТАЛИМИЗ ПОСБОНЛАРИНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ВА ЖАСОРАТГА БОЙ ФАОЛИЯТИ ИФОДАЛАНГАН МАЖМУА

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академияси томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллигига бағишлаб, “Ўзбекистонда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш тарихи” монографияси чоп этилди.

Генерал-лейтенант Баҳодир Матлубов муаллифлигида нашр қилинган ушбу китобда Ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва ривожланиши дарида жамоат тартиби ҳамда осийишталикни сақлаш борасида олиб борилган ишлар, жонбозликлар тарихий факт ва далиллар, ҳаётий мисоллар асосида ёритиб берилган.

Китоб жавонингизга

Барчамизга маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлариданоқ изчиллик билан тинчликпарвар сиёсатни юритиб келмоқда. Ўзбекистонда тинчлик ва осийишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилган.

Глобаллашган бугунги дунёда одамларнинг хотиржамлигини, давлат хавфсизлигини таъминлаш, қар қандай хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис масала эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу боис республикамиз ички ва ташқи сиёсатида тинчлик-тотувлиқни мустаҳкамлаш, барқарорликка эришиш устувор йўналишлардан бирига айланган.

Зеро, Юртошимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлагандек: “Тинчлик ва соғлиқ — ҳар бир инсон учун бебаҳо неъмат. Агар шу икки соҳада олдимизга қўйган мақсадларимизга эришсак, бу энг катта ютуғимиз бўлади ва халқимиз биздан албатта рози бўлади”.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва органлари ўзига хос, мураккаб тузилмига эга. Ушбу тузилманинг муҳим вазифаси — қўнунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мунтазам мустаҳкамлаб бориш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қўнуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашишдан иборат.

Юртимиз истиқлолининг дастлабки

йилларидаёқ собиқ иттифоқ Ички ишлар вазирлигига қарашли таълим муассасалари Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи тасарруфига ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи олий ва ўрта махсус мактаблари негизиди Ички ишлар вазирлиги Академияси ташкил этилиши эл-юрт осийишталигини таъминлашга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг комплекс тизимини яратишда илк қадамлардан бири бўлди.

Осуда ҳаётини таъминлаш учун қайси соҳада меҳнат қилишимиздан қатъи назар, барчамиз астойдил ҳаракат қилишимиз, фидойилик кўрсатишимиз талаб этилади. Бу, ўз навбатида, барча ҳуқуқ-тартибот идоралари, жумладан, ички ишлар органлари ҳодимлари зиммасига катта масъулият юкляди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида замонавий кўринишдаги ички ишлар органлари шонли ва зафарли йўлни босиб ўтди, ўз вақтида фуқароларнинг тинчлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишда мислсиз жасорат кўрсатди.

Тарихда халқимиз бошидан кечирган суроли тоқовликлар, оғир ва машаққатли дарида тинчлик ва осийишталикни таъминлашда ҳуқуқ-тартибот посбонларининг қўшган улкан ҳиссасини ўзида ҳар томонлама акс эттирган яхлит илмий-тарихий китоб ёки



ҳужжатлар тўплами шу пайтга қадар яратилмаган эди.

Дарҳақиқат, бу китоб Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари босиб ўтган тарихий йўлни умумлаштиришдаги илк ҳаракат ҳисобланади. Кенг китобхонлар эътиборига ҳавола этилаётган маъзур монография маълум даражада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари босиб ўтган тарихий йўлга оид билимлар бўлишини тўлдирди. Дастлаб Туркистон ишчи-деҳқон совет милициясининг пайдо бўлиши, унинг ҳаётини эришган ютуқларини ҳимоя қилиш учун қураш, мустақиллик арафаси ҳамда мустақил Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тузилмаси ва фаолияти ҳақидаги тасаввурларимизни янада кенгайтиришга, билимларимизни бойитишга хизмат қилади.

Муаллиф мамлакатимизнинг ҳуқуқ-тартибот идораларида 40 йилдан ортиқ хизмат қилган. У хавфсизлик ва

осойишталик посбонларининг фаолиятини ичдан билади. Уларнинг қучли ирода ва қаҳрамонлик фазилатларига гувоҳ бўлган, мураккаб ва қалтис жараёнларда неча бор иштирок этган. Шу боис Б. Матлубов буюк аждодларимиз амалга оширган буюк тарихий ишларни, уларнинг енгилмас иродаси ва матонатини, қаҳрамонликларини, ўтган тахликали йиллар ҳақиқатини аниқ мисоллар асосида замондошларимизга, авлодларга етказишга маънан ҳақли ҳамда у бу шарафли вазифани маъзур китоб воситасида муваффақият билан урдалаган, десак, муволаға эмас.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг жасоратга тўла тарихи зарварларини ўқир эканмиз, унинг қучи — меҳнаткашлар кенг оммасининг таянчи, халқнинг қўллаб-қувватлаши билан чамбарчас боғлиқ эканини аққол англашимиз мумкин.

Китобда ҳуқуқ-тартибот ҳодимларининг бугунги кундаги фаолиятига, тизимда амалга оширилаётган кенг миқёсли ўзгаришларга алоҳида эътибор қаратилган. Бинобарин, ҳозирги кунда Президентимиз томонидан илгари сурилган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган аниқ вазифа ва йўналишларнинг ижросини таъминлаш борасида ички ишлар органлари тизимиди амалга оширилаётган ислохотлар жадал тус олмоқда.

2017 йилнинг 10 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қўнуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини қўнайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Маъзур ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари тизимини ислох қилишнинг энг муҳим йўналишлари аниқ белгиланди.

МЕН НЕЧУН СЕВАМАН, ЎЗБЕКИСТОННИ?

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг пурмаъно ушбу сатрлари доим қалбимизни тўқилантиради. Шу саволни тақрор ва тақрор ўзимга бераман: “Бу ўлкани севмаслиқнинг ҳеч илоҳи йўқ” дейман ва қатор исботу далиллар тизилиб келаверади ёдимга...

Муносабат

Бугун кўп миллатли халқимиз жонаҳон Ватанимиз мустақиллигининг ўттиз йиллик қутлуг байрамининг қувончи ва шуқуқи, хотиралари билан яшамоқда. Истиклолимизнинг 30 йиллик тўйи муносабати билан “Янги Ўзбекистон” боғи ва Мустақиллик монументи очилишига бағишланган маросимда иштирок этдим, тантаналар ҳамон кўз ўнгимдан ўтиб турибди.

“Янги Ўзбекистон” мажмуасининг ғоявий ва меъморий ечимларига алоҳида эътибор қаратилгани аққол кўзга ташланиб турибди. Президентимиз таъбири билан айтганда, агар юқоридан назар ташласангиз, боғнинг шакли улкан дарахтнинг бешта шоҳига ўхшайди. Бу эса Ҳаракатлар стратегиясининг бешта устувор йўналишини раъсий маънода ифода этади. Бу гўзал боғда пойтахтимиз аҳолиси, Тошкент вилояти ва бошқа ҳудудларимиздан, хориждан келадиган меҳмонлар яйраб дам олиши, оиласи, фарзандлари билан бирга мазмунли хордиқ чиқариши учун барча замонавий шароит яратилмоқда.

Байрам тантаналарининг қамрови, маҳобати таъсирида “буюк халққа шундай буюк байрамлар ярашади”, дейман тақрор ва тақрор. Тарихда ўз ўрни бор, буюк аждодлари билан ҳақли равишда фахрланиб юрган, бетакрор маданий обидлар бунёдкори сифатида шухрат қозонган меҳнаткаш ва заҳматкаш халқимиз пандемия ва глобал иқтисодий инқироз таъсирига қарамадан, ўз мустақиллигининг 30 йиллик байрамини муносиб меҳнат зафарлари, улкан ютук ҳамда ғалабалар билан кутиб олганлигидан шу макон фарзанди сифатида фарх-ифтихор тўғйорларини туюман. Ана шу мактовга сабаби бўлган уммонга тенг меҳнат, заҳматлар ичиди менинг ҳам нуқрадек ҳиссам борлигидан қувонаман.

Ҳозир Ватанимизнинг қайси ҳудудида бўлманг, у ерларда янги-янги корхоналар, замонавий уй-жойлар, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари, равон йўл ҳамда кўприқлар, боғ ва ҳибоблар барпо этилаётганининг гу-

воҳи бўласиз. Истиклол йиллари давомидида юртимизда янги давлат ва жамият қуриш йўлидаги барча саяё-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиб буюқиди парламент — Олий Мажлис Қўнуңчилик палатаси томонидан ҳам муҳим ишлар амалга оширилди. Икки оғиз сўз билан айтганда, биз депутатлар фақат қонун чиқарувчи олий орган вазифалари билан чегараланиб қолмай, Ватанимиз ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаётининг барча соҳасида фаол иштирокчи бўла олганимиз ва энг муҳими, буни сайловчиларимиз, халқимиз эътироф этаётганлигидан бахтлимиз.

Халқимизнинг янада фаровон, янада эркин ҳаёт кечириши учун мустаҳкам ҳуқуқий замин бўлаётган қарорлар, қонунлар бунёд бўлишида биз депутатларнинг ҳам ҳиссаси борлиғи барчамизга гурур бағишлайди. Ватанимиз янада ободликка юз бориб, сайловчилар бизлардан, мамлакатимиз рабариятидан рози бўлаётгани кучимизга қуч, гайратимизга гайрат қўшади. Ана шундай хайрли ишлардан бири сифатида Мустақиллик байрами муносабати билан давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган яна бир муҳим Фармон бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, озорликлари маҳрум этиш жазосини ўтаётган қилимига чин кўнғилдан пушаймон бўлиб, тузатиш йўлига қатъий ўтган 215 нафар шахс афв қилиниб, ўз оиласи ва ақинлари бағрига қайтиш имконига эга бўлди.

Йўлидан адашган бир инсоннинг кўзидаги аччиқ ёшининг қувонч ёшларига айланишига сабаби бўлган инсон қанчалар савобу қаломга эга бўлишини тасаввур қилинг. Лекин 215 оиланинг минглаб аъзоларининг қувончига тўлган Ўзбекистонда улар учун истиқлол шодиёнаси афсонавий байрам бўлгани аниқ. Янгиликларга, енгилликларга, эркинликларга бой бундай давлатлар дунё турғунда турсин. Шундай ўзгаришларни кўз ўнгидан қўрган, “Мен шунинг учун севаман, Ўзбекистонни” дегинг келайди.

Қаҳрамон ЭРҲАШЕВ,
Олий Мажлис Қўнуңчилик палатаси депутаты.

Зокиржон АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг маслаҳатчиси, генерал-полковник.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қўнуңчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 948. 31 673 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нарҳда.

Газетанимиз ҳақидаги маълумотларни юқуб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали